



МАЪРИФАТ * ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* ҶУМЛА

1931 йилдан чиқа бошлаган

2002 йил 30 март, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 24 (7427)


O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

НИХОЛНИНГ ЎСИШИ БОҒБОНГА БОҒЛИҚ

Келаётган янги ҳафтадан Республика умумий ўрта таълим мактабларида IV чоррак ўқишлари бошланади. Яна билим масканлари беғубор болаларнинг шўх ўйин-кулгиларию шовқин суронларига тўлади. Айни пайтда баҳорги таътил вакти бўлишига қарамасдан мактаблар спортчи-ўқувчилар билан гавжум. Бойси, янги узлуксиз спорт тизимининг асосий бўғини хисобланган "Умид ниҳоллари" мусобақасининг IV босқичи ниҳоясига етмоқда. Зеро, мактабда ўқиётган ёш авлоднинг кўнгли пок, қалби



гуноҳу андуҳлардан фориб бўлади. Уни тўғри ўстириб, ҳам маънан, ҳам жисмонан камолотга етказилса, у албатта ўз мевасини беради, она-Ватан равнақига муносаб хиссасини кўшади. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчиларининг мазкур кенг кўламли спорт ўйинларига яхши ниятлар ва орзулар илиа "Умид ниҳоллари" дея ном кўйилган. Боғбон тили билан айтганда, ёш кўчатни парваришлаб, унга меҳр билан эътибор берилса, унинг меваси нақадар totli bўлади. Шу маънода фарзандларимизга давлат сиёсати даражасида муносабатда бўлинайтгани ҳам, шубҳасиз, ўз самарасини беради. Ва бу самара муста-

қил Ўзбекистонимизнинг дунё саҳнасига чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Яни, биринчидан, аввало соғлом кишигина соғлом фикрлай олади. Ана шундан келиб чиқадиган бўлсак, ҳам жисмонан, ҳам ақлан етук авлод Ватанинг эртаси, келажаги учун қайғуради. Бугунги тез тараққилаша бораётган жаҳон ҳамжамиятида она диёрининг номидан иш юритади. Иккинчидан, "Умид ниҳоллари"да яхши иштирок этганлар, эртага "Баркамол авлод", сўнгра "Универсида" мусобақаларида ҳам тоблана бориб, Республика терма жамоасининг базасини шакллантириш билан бир қаторда, ҳалқаро ареналарда Ўзбекистон байроғини дадил кўтариши аник. Шу билан бирга ундаги ватанпарварлик туйуси, оиласига, маҳалласига, юргита бўлган муҳаббати юксак чўққига кўтарилади. Ва шунинг асосида шаклланадиган миллий гурур унинг зифарларга, муваффакиятларга эришишига турткади. Энг муҳими, миллат саломатлиги, генафонди юқори поғонага кўтарилади.

(Республика миқёсида бўлиб ўтган ўрта умумтаълим мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг вилоятлар босқичи якунлари билан 8—9-бетларда танишасиз)


QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «2002-2004 yillarda uy-joy fondini gazni hisobga olish priborlari bilan jihozlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Qarori matbuotda e'lon qilindi.

YIG'ILISH

Oliy Majlis Atrof muhit va tabiatni muhofaza qilish qo'mitasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Deputatlardan ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning navbatdagi sakkizinchisi

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI



sessiyasi kun tartibini muhokama qildilar va ma'qulladilar.

TUHFA

Toshkent viloyatining Zafar qo'rg'onida 900 o'rinni kasb-hunar kolleji binosi foydalanishga topshirildi. Ushbu o'quv maskanida yoshlar o'n olti mutaxassislik bo'yicha ta'lim oladilar.

SEMINAR

Samarqandda O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasи, Oliy Majlisning Qonunchilik va sud-huquq masalalari qo'mitasi, Toshkent davlat huquqshunoslik instituti hamkorlikda «Qonunlarning liberalashuvi va inson manfaatlari» mavzusida ilmiy-amaliy seminar o'tkazdi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЭЛЧИХОНАДА
ДАРСЛИК
ТАРКАТИЛДИ
2-бет

ЗЭГУ МАҚСАД-
ЛАР ЙУЛИДА
3-бет

ФОРИШДА
БАҲОР
БАЙРАМИ
3-бет

БИЛИМ
ЎЛЧОВИ
4-бет

ОЙДИН ҲОЖИЕВА:
ЎРИК
ДАРАХТИНИНГ
ГУЛЛАРИ
5-бет

ДОФ
(Ҳикоя)
11-бет

АРБЕР ВЕРНЕР
13-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР
14-бет

"БУКЕФАЛ"
СОВРИНЛИ
СУПЕРКРОСС-
ВОРДИ
16-бет

Мустақиллігімиздегі үткін дағы мобайнида түрлі соғаларда мұхым ютуқтарға ершилді.

Шибү үзгаришларнинг асосыда давлаттамыз томонидан амалға оширилген қатор ислохоттар ётады. Жумладан, олай ба ўрта маҳсус үкүв юртларига талабаларнинг тест синовлари асосыда қабул қылышынан бунга яқын мисол бўла олади. Жорий ийлгача үтказилган барча тест синовлари натижаси ишлдан-ишлага бу усулнинг авалги усуладан сифат ба мазмун жиҳатидан ўсиб бораётганинг кўрсатди.

Бу фикримиз, мазкур ишлар давомида абітуриентларни ҳамда ўз фарзандларимизни тест синовларига тайёрлаш жараёни ва эрицилган амалий натижалар, ҳамда ўзим ишлар олай үкүв юртларидаги талабаларнинг билим даражаси, уларнинг реал үкүв фаолияти таҳлилига асосланган.

Тест синовлари ОЎЮга қирувчи абітуриентлар оғиги жибий таъсир қила бошлиди. Улар деярли ҳар куни дарсдан сўнг ўзлари танлаган соҳа бўйича қўшимчадарс ва репетиторларда шугулотларига қатнаша бошладилар. Бунда үкүвчилар асосан АТМ томонидан чоп этилаётган тест саволлари жамламаси «Ахборотнома»лардаги саволларга мактабда олган билимлари асосыда жавоб топиб ОЎЮга тайёрланмоқда. Бу ҳол эса ўзини оқлашмоқда. Тест синовларигача бўлган даврларда бу ҳолатни учратиш мушкул масала эди.

Тест синовларининг кириб келиши билан фанлар бўйича үтказилётган олимпиадаларга қатнашадиган ўқувчилар сони ба билимнинг сезиларли даражада ўзгарғанлиги таълим тизимида мұхым янгилик бўлди. Ўқуб предметларини ўзлашибишига интилиши ўқувчилар орасыда оммавий тус олганлиги уларнинг тест синовларига ишонч билан қараштадиган амалий исботиди.

Тест тизимига ўтишдан олдин ОЎЮга имтиҳон топшириши даврига бир назар ташла-

ма»нинг ташкил қилинганлигидадир. Бунинг натижасида илмий-математикалык бўлган юз минглаб вариантидаги масалалар, топширишлар жамғармаси ҳосил қилинди. Бу ишга зиёлилар, соҳа мутахассислари, амалиётчилар ба етук олимлар жалб қилинган. Энг диққатга сазовор ҳолатдан бири олай үкүв юртларига киришга тайёрланадиган абітуриентлар орасида «Ахборотнома»дан фойдаланмаганини деярли учратиш қийин. Кўпгина мактаб үкүвчиларининг ўз устозлари би-

кўра бутун, ягона ба бир қайматидир. Чала адолат ба қалла ҳақиқат бўлмайди. Шунга ўхшаш ярим адолат ба ярим ҳақиқат ҳам бўлмайди. Шубоис, тест синовлари билимларини зарурятни бор бўлган, ҳалол танлов бор бўлган ҳамма соҳага кириб бориши лозим, дейлик магистратура, аспирантура, чет давлатларга ўқишига юборилаётган талабалар танловларига ҳам.

Юқорида айтиб ўтишдан вазифаларни амалға ошираётган муассасалардан бири бу давлат Тест марказидир. Ана шу ҳолатни яхши англаб етган, бурч нима эканлигини тўғри тушунган мазкур марказнинг ходимлари ишлдан ишлга янги изланишларда эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шунинг билан бир қаторда, табиийки, тест синовлари амалиётининг ўзи ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига монанд ҳолда сайқаллашиб, такомиллашиб бориши лозим.

Ҳар ўши 300 минглаб фарзандларимизнинг тест синовларида қатнашувлари, уларнинг ҳаёттида ўчмас из қолдиди. Улар ҳалоллик, тантилик, адолат нима эканлигини тест синовлари якунланган куни яна бир бор тўёла ҳис қиласидар. Табиийки бу ҳолат уларнинг хотираларида узоқ ишлар сақланиб қолди.

**Жўра ҚУДРАТОВ,
К.Беҳзод номидаги
Миллий рассомчилик
ва дизайн институтининг
ката ўқитувчиси,
педагогика фанлари
номзоди**

ЎҚИТУВЧИ ТОКИОДА МАЛАКА ОШИРАДИ

Олтинсой туманиндағы 54-мактаб төгдә жойлашган. Шунга қарамасдан туман ҳалқ таълими бўлими Япония дастури асосида дарс ўтишга айнан шу мактабни танлади.

— Мактабимизда 1163 нафар ўқувчи таълим олади,— деди директор Бибисора Абдураҳмонова «Туркестон-пресс» мухбирига.— Айни пайтда уларга 65 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Дарс ўтиш жараёнлари замонавий талаблар асосида амалға оширилади. Бунинг учун масканимизда барча шароитлар етарли. Хоналар кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Ўқитувчиларимизнинг сабъ-ҳаракатлари, изланишларининг самараси ўлароқ, олимпиадалар, тўғраклар, конкурсы ва беллашувларда шитирок этган ўқувчилар орасида истебодли ёшлар кўзга ташланмоқда. Мактабимизни туманда Япония дастури асосида дарс ўтишга танланшида шу жиҳатлар инобатга олинган бўлса керак. Мұхими, мактаб ўқитувчиларидан айримлари Токиода малака оширади, ўқувчиларимизда эса, Япония шаҳарларида ўқиб келиши имконияти туғлади.

Сурхондарё вилояти,
«Туркестон-пресс»

БИЛЛИМ ЎЛЧОВИ

сак, фақатгина ҳужжатларни топшириши учун қанча овораю сарсон бўлардик.

Агар ҳамма абітуриентларнинг ҳам ўша дағда шундай сарсон бўлғанлигини әслаб ба уларнинг сони бир неча юз минг эканлигини ҳисобга олсақ, демек кераксиз оворағарчилек ўз-ўзидан түшунарлидир. Тест тизимининг жорий қылышынни эса шу каби тўсикларни бир четга олиб ташлаб, ўзининг жибий таъсирини кўрсатди.

Тест синовларини жорий қылыш, абітуриентларга керакли қўйайликлар яратиш борасида қилинган ҳайрли ишлардан яна бири «Ахборотнома»

лан бу ишга анча аввалдан киришганлиги эса «Ахборотнома»нинг нечоэги аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Фанга садоқатли, уни ҳурмат қилювчи ҳар бир комил инсон «Ахборотнома» қадринг жойига қўяётганинги ҳар кунлик ҳаётимизда ёшлирумиз орасида учратишмиз мумкин.

Бу эса айни муддао, чунки миллионлаб юртдошларимизнинг фикри айнан фанга, таълимга, болалар тарбиясига «Ахборотнома» орқали жалб қилинмоқда.

Ҳаммага маълумки, адолат ба ҳақиқат мазмунига

Дарсга кеч қолмаслик учун мактабга шошиб борсам синф раҳбаримиз Нуржон опа синфиимиз эшиги олдида кутиб турган эканлар.

— Ассалому алайкум устоз, тинчлики?

— Ие, қизим бугун мактабимизда ўзузини бошқариш куни эканлигини унтудингми? Сен билан Муниса 4-синфларга дарс ўтишларинг керак. Дугонанг қани?

— Ўйи узоқроқда, ҳозир келиб қолар.

— Хуш, тайёрмисан! Қани дарс режаларинг кўрайинчи. Яхши уни бошланғич синфлар бўйича илмий мудирга тасдиқлаби ол. Мунисага ҳам айтиб қўй.

— Ўстоз ўтган галдаги ўз-ўзини бошқариш кунида Муниса иккаламиз жуда кийналдик. Болалар бирар шўх экан-ки, ҳатто ўйга бориб бош оғриги дорисидан ичиб

— Муаллимлик машиққати

олдим. Илтимос, уша болаларга бошқа киши дарс ута қолсин!

— Ўзларинг чи мактабда 9-синф деса улардек шўх-шадод йигит-қизларни кўрмаганимиз», дейишида ўқитувчилар.

— 9 “Г” дент устоз.

— Шўх булсанлар ҳам билимингиз чаки эмас. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини бошқариш кунида Муниса сизга ишониб топширайпмиз-да!

— Бунинг устига болалар фақат Феруза опа дарс ўтсунлар, деб қўйишмайти. Танбех бериб ўқитсанг ҳам сени яхши кўриб қолишибди. Мунисанинг синфдаги ўқитувчилар ҳам шундай дейишмоқда.

Коридорда дугонам куринди. Муниса устозимиз билан саломлашгач, иккаламиз куйи синфларга дарс ўтиш учун равона бўлдик.

Синфа кирсам, ўқитувчилар туполон килишади. Амаллаб тинчтитдим-да:

— Яна шундай туполон қилсангизлар дарсга дарс ўтмайман, — деда эшик томон юрдим.

— Туполон қилмай тинч утирамиз, илтимос кетманг, — деда бир ўқитувчи ўрнидан турди.

Сунг ўртоқларига ўтирилиб:

Maktablar hayotidan

— Тинч утирамиз-а, болалар, — деди.

— Ҳаммалари шовқин-сурон кутаришиб унинг сўзини тасдиқлашибди.

Қискаси, 45 минут мобайнида бир неча бор дарсни бўлиб, туполончиларга дакки беришга тўғри келди. Баъзан ҳам ўзим уларга кушилиб кеттанимни сезмай қолмаман. Хулас, 4 соат дарс яхши ўтди. Кайфиятим яхши бўлғанлиги боис, чарчаганимни сезмадим. Чунки, болаларнинг кунглига йўл топганимдан, уларнинг менга ишонганликларидан, айттанимни қилишганидан хурсанд эдим.

Катта танаффусда синф раҳбаримиз Нуржон опа билан яна гаплашдим. Шу пайт

дугонам Муниса ҳам келиб қолди.

— Қийналмаяпсизларми, қизлар, — дедилар устозим оналарга хос меҳрибонлик билан.

— Ҳа, устоз сизга ҳам бошқа ўқитувчиларга ҳам осон эмас экан. Синфда нечта бола бўлса, ҳаммасининг табиати ҳар хил. Ҳар бирининг табиатига қараб муюмала қилмаса, фойдаси йўқ. Шуни ҳисобга олмай, дарс ўтган ўқитувчи тўтикуш билан баробар. Сизларга раҳмат, ҳам тарбиялаб, ҳам билим бераяпмиз. Лекин берган сабогингни шогирдинг илиб олса, қизиқса, илмими ҳам янада оширишга ҳаракат қиласа, қувониб кетаркансан. Чарчоқлар бир пасда унтилиб кетар экан.

— Ўқитувчиларининг заҳматини ҳам, раҳматини тушунибисизлар, шунинг ўзи етарди. Буни ўртоқларингга ҳам тушунтириб кўйсангизлар мақсадга мувофиқ булар эди.

— Фикрингизни тушундик, устоз. Энг асосийси, ўқитувчиларимизни қадрлаши миз лозимлигини тушундик. Буни синфдошларимизга албаттаса тақдизасиз.

**Феруза РИХСИЕВА,
Собир Раҳимов туманиндағы 29-ўрта
мактаб ўқитувчиси**

**Малика ОМОНОВА,
ЎзДЖТУ инглиз филологияси
факультети талабаси**

Ойдин ҲОЖИЕВА — Үзбекистон халқ шои-раси, "Саодат" журнали бош муҳаррири. "Шабнам", "Онам севган қўшиқ", "Тароват", "Мушфиқ онажон", "Наво", "Кўзимнинг оқу қораси", "Паноҳим" каби ўнлаб шеърий ва публицистик асарлар муаллифи. Мустақиллик йилларида хизматлари учун Президентимиз Фармонига кўра "Эл-юрг ҳурмати" ордени билан тақдирланган. Оилали, фарзанд, неваралари бор.

— Ойдин опа, биз кўпинча одамнинг зиёли, маърифатли бўлиш аввалини мактаб, китоб билан боғлаймиз. Ундан ҳам ойдин туғилган шаҳар, қишлоқ руҳияти, болалик тасаввурлари, ота-она сўзи, кўзларидан ўтган меҳр нурдарча бўлиб кўнгилни ёриширади, назаримда!

— Мен Навоий вилоятининг Кизилтепа туманида туғилганинг. Аввал бу худуд Бухоро вилоятiga қаради. Кўнгилни тасаввурлари, ота-она сўзи, кўзларидан ўтган меҳр нурдарча бўлиб кўнгилни ёриширади, назаримда!

Айтишларига кўра, Кизилтепа—Олтинтепа дегани экан. Яъни қаондорир зар конлари устига жойлашганинг ишорат эмиш. Бундай маконда яшаган инсонлар вужудига тилодан беҳад катта кувват ўтариш. Шу фикрга кўрами ё азал ярилишда хосиятли жойми, болалигимда қишлоғим ҳам, унинг одамлари ҳам беҳад кўркм туюларди менга. Хожайи Бўстон хоки кўйилган кўргон—тепалик шундоккина офтобнинг ёнида—баландда, жуда баландда жойлашгандай кўринарди. Онамга эргашиб зиёратта чиқиб борганиларимда кўш шу атрофга ўтиб, бирпастга яшириниб турган, деб ўйлайвадардим.

Ёз кечалари супада ухлардик. Тепамда юлдузлар олтин дарахтининг меваляридан осилиб турарди. Ёнимда онам. Ундан тандир иси келарди. Кўшиклар, эртаклар айтганларида тишлари дурдай яқиради. Овозлари муллай:

“...Тоҳиржоннинг бошидан хуши учди, ёдига Зуҳрахон тушди:

Сув келар сузуккина,
Кўлимда узуккина,
Зуҳрахондай ёрим бор,
Сизданам нозуккина...”.

Онам опоқ кийини юрардилар. Ўрик, беҳилар қийғос гуллаб, ариқларнинг юзларидан гулсувлар оқиб ётган кезларда онаизорим менга бу гулли-гулзорли дунёниң бир бўлаги бўлиб кўринарди. Қишлоғим жийдазорлари жаннатнинг бир парчasi бўлиб, ақлини лол этарди. Онамнинг кўйлакларидан офтоб ва нон иси келарди. Акас гулларидан маржонларим бўларди.

У кишининг исмлари Тошибиби, отамизининг исми эса Ҳожи мурод эди. Гўзал овозлари бор экан, йигинлар, давраларда ҳаммани сел қилиб, қўшиқ айтарканлар, мухаммас ўқирканлар. Тилмочлик, пахсакашлик, нонвойлик—хуллас кирк эмас, кирк бир хунарни қўйиллатиб, биз фарзандлари оғзига нон тутган, ҳаётликларида онамизни қора ишлардан асраган, қизларим саводхон бўлсин деб опаларимни ҳар куни узоқ йўлларга эшакка миндириб, ўзи олиб бориб, ўзи олиб келган отамиз раҳматлини мен кўпроқ онам, катта опаларимнинг у кишини кўмсақ, соғиниб айтган ҳикояларидан биламан. Мен 16-фарзанд эканман, ота-онамни худо қизлар билан сийлаган...

Опаларим мактабни битиргач, Карманада очилган хисобчилик курсига үзига олиб борибдишар. Уларни эрталаб поездда Карманага элтиб, тирикчилик важдидан уйга қайтарканлар. Кечкурун яна бориб олиб келарканлар.

Баъзан таҳририятимизга: “Отам ўқишига кўймаяпти”, деган арзномалар келса, менинг отам қандоқ одам бўлган эканлар-а, дейман, ҳақларига дуо қиласман. Учрашувларда муҳлисларим болалигим ҳақида кўп савол беришади. Гапираётб, ота-онамнинг беминнат меҳр-мухаббатидан баҳраманд пайтларим, ҳаммадан яхшилик кўрган ва яхшилик соғинган лаҳзаларимдаги ўша беғубор туйғуларга қайта тўлади қалбим, одамнинг болалиги дарё экан, ҳар эслагандা бутун вужудини тақор-такрор поклаб, янгилаб тураркан...

— Учрашувларимизнинг бирида Сизнинг илтимосининг билан кўлингизга “Алифбо” тутқазган муаллиманинг Раҳима опа Салоевани олиб келишиди. Сочлари кумушланган, йиллар чехрасига сўзлар, излар ёзган муалимиңиз Сизни қучиб, ёш гўдакдай эркалатиб — “Ойдинкон, Ойдинча” деганла-

Меҳмонхона



Китоб ўқишига, луғат билан ишлашга ўргатгандар бизни бошлинича дәқ. Луғат дафтаримиз бўларди, янги сўзларни ёзиб борадик...

Одамнинг ҳаётда эришган муввафқиятларida жуда кўп яхши одамларнинг ҳақи бўлади. Бу ҳақиқатни унтулмаслик керак. Мен (фақат мен эмас, биз қатори, биздан аввал ва кейин ҳам), жуда кўп шоира, журналист, адаби, бастакор, санъаткор аёллар жаннатмакон Зулфия опамиздан меҳр кўрганлар. Ўз вақтида ўзбек аёлини деган тушунчани баландга кўтариб, нурланириб кўрсатган бу улуғ шоира биғза шеърият сехсиноатидан ташкири мумомала маданиятини, ҳатто бекалик сирла-

бу оила. “Менинг биринчи китобчам” сериясидан ёш ижодкорларнинг илк китобчаларини чоп этганимиз. Ҳалқ таълими вазирлиги бизнинг ташаббусларимизни кўллаб-куватлаган. Фарҳод Арзинев, Шахрибону, Ориф Тўхташ, Асадулла Жўраев, Наргиз Довубоева каби бугун анча танилиб кўлган ижодкорлар “Гулхан” тавсияси билан олий ўқув юртларида киришган.

— Тил байрами муносабати билан бўлган бир учрашуда: “Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилши, она тилимизнинг тўрга ўтиши мустақилликка бўлган, аммо мустақилликка қадар улуғ муввафқиятимиз эди. Бу Президентимизнинг жасорати, сизу бизнинг эса бахтимиз, ўзимизни ўйқотмаслик, миллат сифатида яшаш имконимиз эди”, деб айтган эдингиз...

Ҳақиқатан ҳам, Она тили — ҳар кимнинг, ҳар миллатнинг ўзлигини намоён этадиган майдони. Бобо-момоларидан кўлган меросу васиятни қалбига куядиган, кўлига тутқазадиган улуғ элчиси. Фарзандларига қолдириб кетадиган, топшириб кетадиган энг бебаҳо бойлиги.

Она тилимизнинг қадрни тикаш ҳаёт-мамот масаласига айланган кезлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Рӯҳимизга ёнғин тушмасин” деб номланган мақолам эълон қилинди. Ўзбекистон радиосида ҳам ўқилган бу мақолам чекка-чекка қишлоқларга ҳам етиб борган шекилли, Бухоро, Фарғоналардан машиналарда одамлар келишган.

ЎРИК ДАРАХТИНИНГ ГУЛЛАРИ

ри даврадагиларнинг завқини келтирди. Сиз Тошкентдан махсус олиб борган совғанизни тақдим этдингиз, китобларнингни ҳадя килдингиз...

Ўрни келганда, яна бир гапни айтгим келади, жаннатмакон устозимиз Зулфия опа дунёдан ўтибдиларки, ҳар илини туғилган кунлари, ҳайитларда биз катта-кичик қаламга даҳлор қизларни “Чигатой”га зиёратга олиб борасиз. Бир-икки кун аввал ҳамма шоирао адабалар, айниқса, Зулфия опадан меҳр кўрганларимизни ҳарлайтисиз. Ўзингиз боз бўлиб, устоз қабрига гул кўймиз, тиловат қиламиз. Саида опани унтулмайсиз. Мен бу ишларнингизда муаллимага, устозга бир айрича садоқат ибратини ҳис этаман.

— Мен туманимиздан Мирза Азим Сомий Бўстоний (аввали Максим Горький) номли мактабда ўқиганман. Умрлари узок бўлсин. Раҳима опа Салоевани чиндан устоз номига лойик жонғидо муаллималаримиздан эди. У киши мактабга яқин жойда яшарди. Тадбирлар, байрамларга шеъри туғиларни мени дарсдан ташкири. Сўзлари, кўлларида, ҳатто, оппоқ чойшаб ёзилган сим каравотларидан ҳам сехр, мўъжиза борга ўхшарди менга. Сочларимни тараб, ленталар тақиб кўярди. Уйчасининг бир чеккасида ҳамиши милтилаб қайнар турдигандек нақисдан ярим коса бўлса-да овқат сўзиб, қорнимни тўқлаб кузатарди байрамларга.

ридан сабоқ берардилар. Ҳаммамизнинг баҳтимиз учун ўзларини жавобгар ҳис этардилар, бирор тамизга губор саҷратмаслика интилардилар. Мен қалам ахли, айниқса, шоиралар, устознинг шогирдлари бу ақидаларга содик қолишиларини, кўрган меҳру оқибатларини ўшпарга қайтаришларини хоҳлайман. Зеро, дунёда бир-бировга сунчик бўлишдан, орқандга келаётгандан кўлидан етаклаш, ёнингдагини суюшдан ҳам улуғроқ савоб ўй...

— Ойдин опа, Гуландом деган сурхондарёлик истедодли шоира қизимиз бор. Ўша қиз ўзувлчилар уюшманизга аъзо бўлаётб: “Менга университеттага киришимидан Ойдин опа катта ёрдам берганлар”, деб Сизга миннатдорчилик билдириганди, Сиз, адашмасам, бу пайтда “Гулхан” журналиниң бош муҳаррири эдингиз. Шу журнадаги фаолиятингиз, ўша анча мураккаб, шу билан бирга руҳий уйғониш, юксалишга асос бўлган йилларда болалар оламидаги ўзгаришлар хакида гапириб берсангиз...

— “Гулхан” чин маънодаги гулхан эди, назаримда ўша пайтлар. Ҳаёт қайнарди таҳририят хоналарида. Ўкувчилар ҳеч кимга ишонмаган сирларини бизга ёзишарди. “Шатранж клуби” очганмиз, сиркти танловлар ўтибази, голибларни шахмат таҳталари билан тақдирларимиз. “Гулхан”га Навоий вилоятидан Нозик Кўзимева деган адабининг қизларидан хат келган. “Ўқигимиз келади, дарс килишга ўй-жойимиз ўй, жарарада турамиз”, мазмунида. Журналимиз аралашгач, ўйли бўлишган

мен ўшанда миллий фурурнинг қанот ўйганини ҳис этганимдан ҳалқ қалбиди. Бу фурур ўйғонса, унинг нечоглиқ қудратли бўлишини ҳис этганимдан.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгани эълон қилинган Олий Мажлиснинг тарихий сесияси куни газетада “Она тилимга алёр” деб номланган шеърим чоп этилган. Шеъримдин тегасида “Овоз берувчилар ён дафтарига” деган қайди ҳам бор эди. Демокчиманки, бугун ҳалқимиз минбарларда бемалол ҳаранглатиб гапираётган, шоирлар булбулдай сайраб шеър ёзгаётган, ҳофизу ҳофизамиз Парижу Амрико саҳнадарига кўйлаётган, элга тотимли, тотли бўлаётган азиз ва мукаррам ўзбек тилимизни ҳар доим кўз устида кўйимомиз даркор. Ҳалихануз бошка тилда гапириши маданият ҳисоблайдиган чаламуллолар ўй ёмас. Тўғри, киши қанча кўп тил билса, шунчак бойигани. Ҳар тил — бир баҳт дарвазасининг қалити. Аммо она тилимиз — бу баҳт кўргонининг ўзи. Усиз киши ҳеч кимни кишига айланади, жони, руҳи ўй қўйғирчокка ўшшаб қолади. Аммо тилнинг қадри угна ўқилган ҳамдゥ сано билан эмас, амали билан ўлчана-

ди. Сен қадрласанг, уни қадрлайдилар. Идоранг манглайидаги оддий афиша, ташкилотинг номидан бирорга ёзилган хат, папканда турдиган ҳужжатнинг она тилида ёзишиши — Сенинг дилингнинг кўзгуси. “Ҳа, энди бу ҳеч нарсани ҳал қилмайди”, дейилса, фурунгинг соҳталиги.

— Ойдин опа, сиз “Халқ таълими аълочиси”, “Халқ таълими фидойиси” нишон-

лари билан тақдирлангансиз. Маориф, мактаб, дарсларидаги ҳақидағи фикрларингизни “Маърифат” муштарилиларига етказсан...

— Президентимиз эътиборлари, маориф соҳаси жонқуярлари сави-ҳаракатлари боис бу тизимда мустақиллик йилларимизда жуда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда. Мен айникса, иқтидорли болалар учун яратилаётган имкониятлардан жуда кувонаман. Лицелар, гимназияларга учрашувларга борганимизда компютерлар билан бемалол тиллаштаган, инглиз, француз, немис, япон, ҳинд, хитой тилларидан шеър ўқиётган, ҳатто саҳна кўринишларини ижро этадиган, ўзини шахмат, каратэ, дзюдо, бокс, футбол мусобақалари голиби сифатида тақдим этадиган — кўзлари яраклаган, товушлари ишончили, ўқтам, кўркам ўғил-қизларимизни кўри, эртанги Ўзбекистон қудратини хис этаман. Рассом фарзандларимиз, шоир, ҳофиз фарзандларимиз етадиган чўқиллари кўз олдимга келтириб, гурурим ўсади. Шу баробарида бугун дарсларидаги яратилётганда, дарслар учун материаллар йигилганди, яна ҳам масъулиятлар билан бўлса...

Хар бир муаллим ижодкор бўлса... Хар бир муаллим буюк режиссёр, санъаткор бўлса...

Қўйонлик математика муаллими, Ўзбекистон Қаҳрамони Манзурохоним математикани ўқувчиларга шеър билан ўргатганидек, дарс, сабоқ ўргатишнинг энг таъсирчан йўлларини кашф этишса. Дарсдан ташқари ўқишилар учун муаллим вакт, иштиёқ тополса...

Бизнинг ҳалқ оғзаки ижодимиздай бой хазина йўқ дунёда: маталлар, чўпчаклар, топишмоқлар, тез айтишлар... Нечоғли рангбараңглик беради ёнларга беш дакиғагина ҳалқ оғзаки ижоди дунёсига саёҳат. Ҳам ақлни чархлайди, ҳозиржавоблика ўргатади.

Қандай гўзал сўзларимиз бор, луғат дафтарлар тутишса болалар, күніга бешта сўзниң маъносини ўзлаштырса, бир хафтаға 30 та сўз ўрганади.

Ёз жуғрофий ўйинлар, тарих қаърига чукурроқ киришиши. Ана шундагина болаларимиз “Арнасой тумани қаерда?” деган саволга “Андижон вилоятида бўлса керак” ё ... сўйса ҳам қассоб сўйисин” деган мақ

КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Мустақил Ўзбекистоннинг кун сайин кўркмлаши бораётган Тошкент шаҳри илм-фан, санъат ва саноат маркази бўлиши билан бирга ижтимоий ҳайётнинг барча соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ўчига ҳам хисобланади. Пойтахтда 40 га яқин олий ва кўлпаб ўрта мутахассислик ўкув юртлари жойлашган. Республикадаги 16 та универсitetning 8 таси Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатади. Республикада ягона саналадиган Ислом университети, Миллий рассомчилик ва дизайн, миллий ракс ва хореография олий мактаби каби қатор олий ўкув юртлари ҳам Тошкентда жойлашган. Шунинг учун Тошкент шаҳрига Республика музейлари жойлашган. Шунинг учун Тошкент шаҳрига интиядидар.

Тошкент шаҳри ўкув юртларининг кундузги бўлимларига ўқишга киришни истаган ёшларнинг сони 28371 нафарни ташкил этган. Тошкент шаҳри олий ўкув юртларига 2001 йил тест натижаларига кўра 7469 талабаликка кабул этилган бўлса, уларнинг 3116 нафарини Тошкент шаҳрида яшовчи ёшлар ташкил этган. Бу республика вилоятларига таққослансанга энг юқори кўрсаткич хисобланади. Тошкент шаҳри абитуриентлари жавоблар самараадорлиги бўйича 1999 йилда 39,25% натижага билан иккинчи ўринни, 2000 йил 42,43% натижага билан иккинчи ўринни, 2001 йилда 43,0% самараадорлиги кўрсатиб биринчи ўринни эгаллаган.

Тошкент шаҳри абитуриентларининг 2001 йилда география, тарих, биология, кимё фанлари бўйича самараадорликлари 2000 йилга нисбатан анча юқори кўтарилиган. Факат немис тилидан самараадорлик пасайган. Русий забон гурухларда математика ва кимё фанидан самараадорлик пасайган. Бу кўйидаги жадвалларда кўрсатилган.

(Ўзбек гурухлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самараадорлик	Урин	Самараадорлик	Урин
Ўзбек тили ва адабиёти	29,57	4	28,86	2
Математика	39,06	2	42,57	1
Физика	30,78	1	32,40	1
Биология	37,01	4	38,16	2
Кимё	35,97	3	36,14	1
Тарих	32,32	8	34,04	2
География	40,62	9	47,27	1
Инглиз тили	46,26	1	45,51	1
Немис тили	32,18	2	29,24	4
Француз тили	36,60	2	33,79	2

(Рус гурухлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самараадорлик	Урин	Самараадорлик	Урин
Рус тили ва адабиёти	51,72	1	53,50	1
Математика	48,14	1	49,72	2
Физика	37,48	1	38,38	1
Биология	48,29	1	51,90	1
Кимё	43,63	1	41,76	2
Тарих	46,25	1	45,87	1
География	44,31	1	46,42	1
Инглиз тили	58,55	1	59,31	1
Немис тили	52,41	1	47,53	1
Француз тили	57,34	1	57,57	1

Тошкент шаҳрида ўкув юртларга кириш учун тест имтиҳони топширган абитуриентларнинг тестда тўплаган баллари ўрганилганда 0%дан 30% гача самараадорликка эришганлар сони 6329 тани, 40%дан 90-100% гача тест топшириларини еча олганлар сони 18 мингга яқин кишини ташкил этган. Тестга бўш тайёрланган абитуриентлар умумий сонига нисбатан олинса учга бирни ташкил этади.

Тошкент шаҳри ўкувчиларини тестда тўплаган балларининг натижаси ва сифати ўрганилди. Тошкент шаҳрининг барча туманларидан қатнашган абитуриентларнинг самараадорлик кўрсаткич юқори бўлган. Улар Республика туманлари орасида 2-дан 32-гача бўлган ўринни эгаллаган. Самараадорлик кўрсаткичи ҳам 38,18%дан 35,04% гача бўлган. Бу кўйидаги жадвалда келтирилган.

Т.р	Туман номи	Самараадорлик		Республика тутгандар ўрини
		Самараадорлик	2001	
1.	Яккасарой тумани	38,18	2	
2.	Собир Раҳимов тумани	38,06	3	
3.	Юнусобод тумани	37,82	5	
4.	Мирзо Улуғбек тумани	37,31	10	
5.	Чилонзор тумани	36,78	14	
6.	Шайхонтохур тумани	36,54	16	
7.	Хамза тумани	35,98	19	
8.	Сирғали тумани	35,84	22	
9.	Бектемир тумани	35,67	23	
10.	Миробод тумани	35,25	29	
11.	Акмал Икромов тумани	35,04	32	

Тестда жавоблар самараадорлиги таълим жараёни сифати, абитуриент мустақил ишлashinga, айниқса, тестга тайёрланishi боғлиқ. Давлат тест маркази Тошкент шаҳрининг барча туманларидан битириувчи синф ўкувчилари билан бирламчи тестларни ўтказиб келмоқда. 2000-2001 ўкув ўйни 4073 битириувчи синф ўкувчилари репетицион тестлардан ўтказилди. Уларда, айниқса, Бектемир, Хамза, Собир Раҳимов, Сирғали туманлари мактаб ўқитувчилари фаол иштирок этишган.

Тошкент шаҳрининг тест имтиҳонида фанлар бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган туманлари Республиканинг энг илгор туманларига таққослаб ўрганилди. Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани география фанидан 57,10% самараадорлик кўрсатиб энг юқори ўринни эгаллаган. Бу кўрсаткич Республика бўйича юқори хисобланади. Биология, кимё фанлари бўйича ҳам илгор туманларга яқин натижага кўрсатилган. Лекин бошқа фанларнинг кўрсаткичини янада юқори кўтариш имконияти мавжуд. Тўлиқ маълумот кўйидаги жадвалларда келтирилган.

Республика ва Тошкент шаҳрида энг юқори кўрсаткичга эга бўлган туманлар
(Ўзбек гурухлари)

Фан	Вилоят кўрсаткичлари		Республика кўрсаткичлари	
	Туман, шаҳар номи	Катнашган	Туман, шаҳар номи	Катнашган
Она тили ва адабиёти	Яккасарой тумани	600	30,75	
Математика	Юнусобод тумани	1088	45,66	
Физика	С. Раҳимов тумани	51	34,44	

Биология	Хамза тумани	246	45,21	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Кимё	Хамза тумани	219	40,88	Кашқадарё вилояти	У. Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Чилонзор тумани	495	37,38	Андижон вилояти	Шайхонтохур тумани	17	48,53
География	С. Раҳимов тумани	17	57,10	Тошкент шаҳри	С. Раҳимов тумани	17	57,10
Инглиз тили	Юнусобод тумани	862	49,03	Бухоро вилояти	Когон тумани	47	53,13
Немис тили	М. Улуғбек тумани	44	30,56	Самарқанд вилояти	Богишибур тумани	50	44,17
Француз тили	М. Улуғбек тумани	16	40,63	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60

Она тили ва адабиёти	Акмал Икромов тумани	177	10	21,67
Математика	Сирғали тумани	8	4	22,92
Физика	Хамза тумани	46	6	17,13
Биология	Чилонзор тумани	270	4	20,83
Кимё	Хамза тумани	307	7	20,24
Тарих	Шайхонтохур тумани	59	15	11,48
Инглиз тили	Яккасарой тумани	26	4	20,83
Инглиз тили	Мирзо Улуғбек тумани	248	2	20,83
Немис тили	Акмал Икромов тумани	106	4	15,97
Француз тили	Собир Раҳимов тумани	134	4	21,53

Тошкент шаҳрида 16 та мактабдан ўқишига кириш учун ариза топширган 74 абитуриентдан бирортаси ҳам тестдан ўтла олмаган. Жумладан, Яккасарой туманинда 26-мактабнинг 14 ўкувчиси, Шайхонтохур туманинда 115-мактабнинг 19 ўкувчиси ўқишига ариза берган, лекин бирортаси ҳам ўқишига кира олмаган.

СОГЛОМ АВЛОНДА СОГЛОМ МУХИТДА ВОЯГА ЕТАДЫ

Мамлакатимизда ажойиб табиат гүшалари борки, булар инсон тафаккурини бойитувчи, уни илхомлантирувчи манба хисобланады. Шундай жойлардан бири Охандарон водийсідір. Бу маскан табиий ресурсларга жуда бой бўлиб, айниқса, Аршом булоги, Лашкарак дам олиш маскани, Ертошой ва унинг атрофидаги арчазорлар жуда хушхаво жойлардир. Малумки, Ўзбекистон худудида радионли сувлар кам учрайди. Чотқол тизмасининг шарқида, Охандарон дарёси бошланиш жойида радионли сувлар мавжудлиги аниқланган.

Бугун маңнавий барқамол инсонни тарбиялаш мәқсадимиз экан, аввало үлар үз юртінің філософи, табиаттың шайдесі әдібибор қарастырылған!

Бунинг учун ўкувчининг мустақил, яны фақат адабеттан олинган фикрларга асосланиб эмас, фанга оид эркін фикрини баён қилишига имконият яратыш керак.

Зоро, ўкувчиларни кенг мушоҳада қилувчи ижодкор мутахассис бўлиб етиштириш учун ўқитишида ички мотивация, дикқатни тортиш, ички туйғу, истак, заруритни шакллантириш зарур.

Үкүв жараёнини асосий характеристларни кечиб ўкувчи хисобланиб, у ўқитиши учун ички мотивация бўлиши лозим. Экологик тарбияда бу айниқса кўл келади.

Ёшларнинг бугунги кун талабидан келиб чиқиб билим эгаллашларида қўйидагиларга амал қилиш фойдадан холи бўлмайди:

— Табиат ва жамият тараққиёті қонунларини амалий билимлар билан ўйгунлантириш;

— Амалий ҳамда назарий билимларнинг бирлиги. Улар бир-бирини тўлдириши ва берилган ҳар бир мавзу амалиётга табтиқ қилиниши;

— Ёшларни илмий ижодиёт ва илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш, уларни қўллаб-куватлаш;

— Дунёвий илмлар ва илгор мамлакатларнинг ютукларидан ижодий фойдаланишда мажаллий шароитни доимо хисобга олиш лозим.

Демак, бугунги ва эртаганги кунимизнинг долзарбазифаси "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш милий дастури"ни ҳаётта тўлиқ жорий этиши ва босқичма-босқич такомиллаштириб бориш ҳар бир зиёлини бурчи ва бош вазифаси бўлиб қола-веради. Кўп бор таъкидланганидек, билимдон ёшлилар юрт келажаги экан, аввало, соглом авлод соглом мухитда вояга етади.

Давир ТЎХЛИЕВ,
Тошкент вилоят Давлат Педагогика институти
кафедра мудири, профессор,
Муҳаррам СУЯРОВА,
ўқитувчи

БЕШАРИҚДАН ОЛТИАРИҚҚАЧА НЕЧА ҚАДАМ?

Ўзбеклар — содда ҳалқ-да. Холбуки, бу соддалик негизида улуглик мужассам топган. Гапнинг индалносини айтганда, бир киши поездда Олтиариққа кетаётib, адашиб Бешариқда тушиб қолибди. Шунда, ўзига тасалли бериш учун, бу иккى туман ораси бир ариқ экан, бир ҳатлаб ўтиб кўя қоламан, деган экан. Бу, албатта, табиатан кулгига мойил ҳалқимиз ўйлаб топган латифа. Аслида эса Бешариқдан Олтиариққа боргунга қадар битта шаҳар ва тўртта туманни оралаб ўтиш керак.

Бешариқнинг қадимий номи Беҳзишт ариқ, яъни "Жаннат ариқ" маъносини англатади. Бу ерда кат-

Фестивалнинг якуний йигинида вилоят фахрийларининг "Нуроний" жамғармаси раиси У.Бегматов, вилоят "Маңнавият ва маърифат" маркази директори Т.Абдураимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳафизахон Исмоилова ва бошқалор сўзга чиқиб, иккى туман ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлаш учун амалий ҳаракатларни кўпроқ ташкил этиш лозимлиги ҳақида гапирдилар. Иккала томон шу йилнинг ёз ойида яна бир учрашув ўтказишига ва бу тадбирни таълим тизимидағи ютуқлар кўргига ҳамда қадр-қиммат мавзусига багишишга келишиб олдилар. Фестиваль вилоятдаги таникли ёш хонандаларнинг концерт дастурини томоша қилиш билан якунланди.

Шаҳардаги 52-маҳаллада турли миллат вакиллари иноқ ва аҳил яшайди. Бу маскан катта доиралар-

Tadbir

ЎЙГУН МАҚСАДЛИ ТАШРИФЛАР

та-кatta саноат корхоналари мавжуд, ҳалқ таълими, тиббиёт, балықчilik, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик ҳам дурустгина ривож топган. Ҳалқи миллатимизга хос фазилатли - меҳмоннавоз. Туманга яқинда олтиариқлик бир гурӯҳ соҳа ҳодимлари ташриф буюриши. Мақсад, бу ерда Олтиариқ кунларини ўтказишидан иборат бўлди. Меҳмонлар орасида ҳалқ таълими, фан, маданият, маърифат ва маңнавият, тиббиёт ҳодимлари, санъаткорлар бор эди. Улар туманнинг кўзга кўринган жойлари — саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасаларида, мажаллаларда бўлишиб, тури мавзуларда сұхбатлар ўтказиши. Бешариқдаги қасб-хунар коллежи, лицей ва мактаб-боғчалар, ўкув даргоҳлари, у ерларда ўғил-қизларнинг сифатли таълим олишлари учун яратилган шароитлар меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди.

ҚЎҚОННИ "КИЧИК АМЕРИКА" ҲАМ ДЕЙИШАДИ

Үндан кейинги тадбир режада белгиланганидек, Қўқонди латифда бўлиб ўтди. Қўқон водийдаги на эмас, бутун республикамизда азалдан маданият ва маърифат маркази, шоирлар, санъаткорлар, ҳунармандлар макони бўлиб келган. Ҳозирги кунга келиб шаҳар янада чирой очиб бормоқда. Бу ерда қад ростлаган янги бинолар, яратилган хиёбонлар кўзни қувонтиради.

Савдо-сотик марказлари, улгуржи бозор, овқатланиш шохобчалирида кечалари ҳам ҳаёт қайнайди. Ҳар хил белгиларни ифодаловчи турфа рангли чироқлар камалакдек жилоланиб, Қўқон оқшомига янада файз багишишади. Эҳтимол, шу боисдир, Қўқонни водийда "Кичик Америка" деб ҳам атасади.

Меҳмонлар фестивал давомида

га ибрат қилиб кўрсатса арзидиган обод, хушманзара ва озода маҳалла хисобланади. Маҳалла оқсоқоли А.Умаров, қўқонлик таникли санъаткорлар, қаламкашлар, муаллимлар бу ерда ўтказилган учрашувда иккى шаҳар ўртасидаги дўстликни янада юқори савияга кўтариш, миллий қадриятларимизни асрар-авайлаш ва ривожлантириш бугунги кунда айниқса зарурлигини айтиб ўтилар.

Якуний йигилиш А.Қориев номидаги касб-хунар коллежи биносида ташкил этилди. Йигилишда меҳмонлар Қўқондан олган таасусортлари, жойларни кўриб, одамлар билан сұхбатлашиб чиқарған хулосаларни ўртоқлашдилар. Шаҳар бадий дасталари концерт намойиш қилдилар. Бугунги кунда "Шу азиз Ватан — барчамизни" фестивали вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида навбати билан давом этмоқда.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбири

ВАТАНПАРVARЛИКНИНГ БИР КЎРИНИШИ

Юртимизда экологик туризмни қўллаб-куватловчи "Работ Малик" кўнгилли саёҳатчилар уюшмаси "Саёҳатчилар куни"га багишилаб ёшлар байрамини ўтказди. "Работ Малик" ташаббускорлари келгуси экспедицияларга тайёргарлик кўриш мәқсадида "Рюкзакларни йўлга ҳозирланг", дея Тошкент Геология музейига ташриф буюришиди. Шу куни музей яшил майсаори нафақат тайёргарликлар учун хизмат қилди, балки қатнашчилар у ерда ўзларининг қизиқарли кўринишларини ҳам намойиш этишиди.

Саёҳатнинг биринчи босқичи шу куни геология музейи залида бўлиб ўтди. Дам олиш соатларида машҳур геолог олим Рустам Юсуповнинг юртимиз бойликлари ҳақида сўзлаган ҳикоялари ҳаммада қизиқиш уйғотди. Айтиш керакки, табиатга ошуфтада қатнашчилар йўлларда учраган оддий тошлар-

гача қизиқиб қарашарди. Шундан сўнг тог ва сув йўналишидаги голибларни экспертилар — тарихчи олим Сервер Аширов, кўп йиллик тажрибага эга саёҳатчи Владимир Ширяев ва уюшма кенгаши раиси Виктор Цойлар синашди. Ушбу байрам голибларини аниқлашга ҳакамлар анча қийналишиди.

Умидда УМАРХЎЖАЕВА



Шайхонтохур туманнинг Олим Хўжаев номидаги маҳалласида "Ёшлар онгиди қарияларни эъзозлаш хиссиси шакллантиришининг маңнавий-маърифий асослари" мавзусида ўтказилган маңнавий-маърифий анжуманга йигилган юртдошларимиз чехрасида кўтаринкилик сезилиб турарди. Анжуманинг долзарблигини Шайхонтохур туман ҳокими ўринбосари Улуфбек Раҳмонбоеv, республика "Маңнавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олим, республика "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари Сад-

МЕХР БОР ЖОЙДА ҚАҲР ЧЕКИНАДИ

ридин Ҳасанов каби қатор мутахассислар ўз фикрларида тақорорлаб ўтишди.

